



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 93 (13.940)

Баҳоси эркин нарҳда

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЕТБ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги шериклик муносабатлари изчил ривожланиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадаллашадиганини мамнуният билан қайд этди.

Охириги икки йилда ушбу нуфузли халқаро молиявий институт раҳбари мамлакатимизга учинчи бор ташриф билан келгани ўзаро алмашинувлар фаоллашганидан далолат беради.

Ўтган йил октябрь ойида банкнинг Ўзбекистон бўйича мамлакат стратегияси қабул қилинди. ЕТБ экспертлари кўмағида энергетика, банк ва молия соҳалари, капитал бозорини ривожлантириш ва мамлакатимизда рақобат муҳитини яхшилаш бўйича ислохотлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Кўшма лойиҳалар портфели кенгаймоқда. Заём келишувлари имзоланиб, қийма-

ти жами 600 миллион доллардан зиёд кредит маблағларини жалб этган ҳолда мамлакатимиз ҳудудларида энергетик ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш бўйича устувор инвестиция лойиҳалари тайёрланмоқда. Хусусий сектор лойиҳаларига 100 миллион доллардан зиёд инвестиция киритилди.

Бундан ташқари, умумий қиймати 800 миллион долларга яқин бўлган ижтимоий аҳамиятга молик истиқболли дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

ЕТБнинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси фаол ишламоқда, унинг Андижон шаҳрида ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида филиалларини очиб режалаштирилган.

Учрашувда амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, жумладан, мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини ва кредитларни ўзлаштиришни тезлаштириш, иқтисодий ислохотларни

амалга оширишга, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантиришга кўрсатилаётган кўмакни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгашини ташкил этиш ва унинг биринчи мажлисига тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЕТБ раҳбари самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг суръати, кўлами ва амалий натижаларини юксак баҳолади.

Сума Чакрабарти Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистон Республикаси билан кўп қиррали шерикликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва давом эттириш борасида қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевни кеча бўлиб ўтган Қозоғистон Президенти сайловида ишончли ғалабага эришгани билан самимий табриклади.

Сайлов натижалари Қозоғистон халқи Қосим-Жомарт Тоқаевни кенг қўллаб-қувватлаш ва унга улкан ишонч билдиришини, унинг мамлакат барқарор тараққиётига ва халқаро нуфузини оширишга ҳиссасини юксак баҳолашини яна бир бор намоён этгани, амалга оширилаётган сиёсат ва энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг изчил давом эттирилишига қатъий ишончнинг ифодаси бўлгани алоҳида таъкидланди.

Қозоғистон Президентининг жорий йил апрель ойидаги Ўзбекистонга илк давлат ташрифи дўстлик, яхши қўшиқчилик ва стратегик шериклик муноса-

батларини мустақамлашга ўзаро интилишнинг тасдиғи бўлиб, икки томонлама ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлагани қайд этилди.

Сўхбат чоғида Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликка доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Келгусида, жумладан, халқаро ташиқлотлар тадбирлари доирасида бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустақамлаш устувор аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидладилар.

ЎЗА

СУМА ЧАКРАБАРТИ: ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувдан сўнг Сума Чакрабарти ЎЗА мурига қўйидагиларни сўзлаб берди:

– Аввало, Европа тикланиш ва тараққиёт банки мамлакатимизда кенг қўлама олиб борилган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини таъкидламоқчиман.

Бу бизнинг Ўзбекистон Президенти билан учинчи учрашувимиз. Сўхбат чоғида сўнги икки йилда эришган инвестициявий ютуқларимиз ҳақида фикр алмашиш, ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли ва истиқболли йўналишларини белгилаб олди. Жорий йил якунига қадар ЕТБ мамлакатимизга киритадиган инвестиция ҳажмини бир миллиард еврога етказишни режалаштирдим.

Эътибор берсангиз, бу бор-йўғи икки йил ичида юзага келган рақам. Солиштирадиган бўлсак, мазкур кўрсаткич банкнинг аввалги ўн тўрт йил ичида киритган инвестициясидан анча кўп.

Биз ислохотлар учун янги ғоялар ҳақида суҳбатлашдик. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш банкимиз фаолиятининг ҳам асосий йўналишларидан биридир. Бу борада қатор лойиҳаларни амалга оширмоқчимиз.

Яъни мамлакатимизга инвестицияларни кенг-роқ жалб қилиш, инфратузилма, коммунал тармоқ, агросаноат, энергетика, банк-молия ва бошқа соҳаларда қатор ўзаро манфаатли ва истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг иқтисодий-иқтисодий тараққиотида ривожлантириш йўлидаги ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам изчил давом этади.

З.ЖОНИБЕКОВ
эзиб олди

Умрбоқий аънаналар



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

СЕНИ МАДҲ ЭТАМАН, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Бахшичилик – миллий ўзлимиз, бебаҳо қадриятларимиз, тарихимиз акс этган санъат. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Сени мадҳ этаман, Ўзбекистоним!" деб номланган концерт дастурида бу жиҳатлар яна бир қарра намоён бўлди.

Мазкур ижодий лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Б.Сайфуллаев, "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Н.Умаров мамлакатимизда миллий аънава ва қадриятларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бахшичилик санъатини янада ривожлантириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, илк марта Термиз шаҳрида халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтди. Нанкин юртимизда, балки жаҳон миқёсида илк марта ўтказилган ушбу фестивал миллий меросимизнинг нечоғли бой ва бетакор эканини дунё миқёсида намоён этди.

– Кейинги йилларда миллий бахшичилик санъати туб ривожланиш босқичига кирди, – дейди фольклоршунос олим Маматкул Жўраев. – Бу жиҳатлар дostonчилик санъати мактабининг бойиб бораётгани, устоз-шогирд аънаналари кенг йўлга қўйилаётганида, бахшиларнинг ижоди бугунги шиддатли замон ўзгаришларига



ҳамоҳанг бўлиб бораётганида яққол сезилмоқда.

"Сени мадҳ этаман, Ўзбекистоним!" концерт дастуридан кўзланган асосий мақсад бахшилар фаолияти билан ёшларни таништириш, устоз бахшилар билан ёш бахшилар ўртасида ўзига хос ижодий кўприк яратишдан иборатдир.

Концертда мухлислар Хоразм бахшичилик мактабининг нечоғли жўшқин ва завқлиги, Сурхондарё мактабининг мардлик, ватанпарварлик ғояларига йўғрилгани, қорақалпоқ бахшичилиги бетакорлигининг гувоҳи бўлдилар. Донгдор бахшиларимиз Абдуназар Поёнов, Гулнора Аллаамберганова, Қаландар бахши Норматов, Отахон Матёкубов, "Нихол" мукофоти совриндори Феруз Норматов, Аҳор бахши Хушвақтов ҳамда таниқли хонандалар, ашула ва рақс ансамблларининг чиқишлари концертга кўтаринкилик бағишлади.

Назокат УСМОНОВА

Республикада ижтимоий-иқтисодий соҳани ислох қилишнинг ҳозирги шариоатида ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларга ва халқаро амалиётга мос бўлиши зарур. Шу муносабат билан фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини, шу жумладан, миллий қадриятлар ва жаҳон маданияти, амалий ва фундаментал билимлардан баҳраманд бўлишни таъминлайдиган аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш, кутубхоналарда сақланаётган миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш устувор вазифага айланмоқда.

Бу эса ахборот-кутубхона фаолиятига, китобхоналарга хизмат кўрсатиш, фондларни тўлдирish ва сақлаш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолият, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва рағбатлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга жиддий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида:

1. Қўйидагилар аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янада ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалар этиб белгилансин:

ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона фаолиятини ислох қилиш;

аҳолига ахборот-кутубхона хиз-

матлари кўрсатиш бўйича ижтимоий кафолатларни сифатли таъминлаш ҳамда замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

худудларда аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техника базасини мустақамлаш, шу жумладан, янги бино ва иншоотларни қуриш, мавжуд биноларни реконструкция қилиш, уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш;

кутубхона соҳасида давлат-хусусий шерикликни, хусусий ва электрон (виртуал) кутубхоналар тармоғини ривожлантириш;

кутубхоналар фаолиятининг самарадорлигини ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш (шу жумладан, пуллик хизмат кўрсатиш) теозкорлигини ошириш учун электрон китоблар тарқатишга ихтисослашган интернет-ресурслар билан ҳамкорликни кенгайтириш;

ахборот-кутубхона муассасалари хавфсизлигини ҳамда миллий ва жаҳон маданий меросининг бир қисми сифатида ахборот-кутубхона фондларининг яхши сақланишини таъминлаш;

жамиятнинг ахборот маданиятини, тарихимизга ва миллий маданиятга қизиқишини шакллантириш ва қучайтириш, мутлола маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш;

ахборот-кутубхона муассасаларини маълум мутахассислар билан таъминлаш.

2. Қўйидагилар:

а) 2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси 1-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида 3 та давлат-хусусий шериклик асосидаги, Гулистон шаҳрида 1 та кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Сайхунобод тумани "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Шаҳзода Кумуш" масъулияти чекланган жамиятига қарашли 90 ўринли "Kumush" давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасаси ана

шулардан бири. Яроқсиз ҳолга келиб қолган собиқ кишлоқ маданият уйи биноси ноль қийматда реконструкция қилинди. Кўшимча қурилиш ва тўлиқ жиҳозлаш ишлари учун жами 3 миллиард 714 миллион сўм сарфланди. Ушбу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион сўми тижорат банкидан олинган имтиёзли кредитдир.

• Республика "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Бухоро вилояти бошқармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Янги бинода репродуктив саломатлик маркази, ўқув ва ахборот технологиялари хоналари, кутубхона мавжуд. Шунингдек, никоҳдан ўтиш учун ФХДга ариза берган йигит-қизларнинг оила психологияси, диний ва ахлоқий тарбия, ҳуқуқий муносабатлар, хонадон бюджети, репродуктив саломатлиги бўйича билан ва дунёқараши шакллантириладиган келин-куёвлар инновацион маркази хизматлари, марказнинг Бухоро шаҳар бўлими иш олиб боради.

• Хива шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд номидаги I халқаро "Баҳодирлар ўйини" яқунланди. Халқаро номлангани "STRONG MEN" деб аталувчи ушбу мусобақа илк бор Хива шаҳрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, World Strongmen федерацияси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу турнирда Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Покистон, Латвия, Россия каби мамлакатлардан 20 полвон иштирок этди.

• Наманган вилояти Поп туманидаги "Namangan agro logistic" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхона фаолияти йилдан йилга кенгаймоқда. Президентимизнинг 2018 йил май ойида вилоятга ташрифи чоғида берган топшириқларига биноан бу ерда умумий қиймати 105,8 миллиард сўмлик яна бир – "Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш логистикаси" лойиҳаси амалга оширилди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг "Амазон" компанияси дўконлардан харид қилинган турли маҳсулотларни дронлар ёрдамида етказиб бериш жараёни бошланганлигини маълум қилди.

• Австралиянинг Сидней шаҳри эрталабдан қуюқ туман билан қопланганлиги боис халқаро ва ички рейсларда қатновчи ўнлаб самолётларнинг парвозлари бошқа мuddатга кўчирилди.

• Грузиянинг тоғли ҳудудида вертолётнинг ҳалокатга учраб аҳоли яшаш пунктига қулаб тушиши натижасида уч киши ҳалок бўлди. Дастлабки таҳминларга кўра, вертолёт электр узатиш тармоғига урилиб кетиши натижасида ҳалокатга учрамаган. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш очилган бўлиб, вертолёт ҳалокатига сабаб бўлган шахсларнинг олти йилдан ўн йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши айтилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

6) 2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага ҳақ тўлаш мувофиқ;

в) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси - ахборот-ресурс марказининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

г) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси - ахборот-ресурс марказининг (кейинги ўринларда - Миллий кутубхона) ходимлар умумий чекланган сони 227 нафардан иборат бошқарув аппарати тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқланган.

Миллий кутубхона директори зарур ҳолларда Миллий кутубхона бошқарув аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сонига меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик), Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига таъшиддан маблағларнинг икки фоизини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси - ахборот-ресурс маркази ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига (кейинги ўринларда - Жамғарма) ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Миллий кутубхона ҳошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш, шунингдек, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳошида фаолият кўрсатаётган барча ахборот-ресурс марказларини тугатиш;

умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тугатилаётган ахборот-ресурс марказларининг китоб фондлари ва штат бирликларини янгидан ташкил қилинаётган туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларига бериш;

ахборот-ресурс марказларини тугатишда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг амалдagi нормативларга мувофиқ тегишли китоб фонди ва штат бирликлари билан бирга сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Куйидагилар янги ташкил этилаётган туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш учун сифат жиҳатидан янги ва қулай шарт-шароитлар яратиш, замонавий ахборот технологиялари асосида уларнинг илмий, таълим, ахборот ва маданий эҳтиёжларини қондириш;

аҳолининг ижтимоий ҳиммага муҳтож қатламларига ижтимоий мослашув ва реабилитация; мустакил таълим олиш ва мулоқот доирасини кенгайтириш воситаси сифатида ахборотдан фойдаланиш имкониятларини яратиш;

фойдаланувчиларга ҳар қандай (босма, мултимедиа ва рақамли) ташувишларда, шу жумладан, Интернет тармоғида сифатли ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

ўз ахборот-ресурсларини яратиш ва уларни сифатли тўлдириш бориш орқали китобхоналарга аънаваний хизмат кўрсатиш усулидан уларни замонавий ахборот-кутубхона хизматлари билан таъминлашга ўтиш;

аҳолига ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатиш бўйича масофадан хизматлар кўрсатишни ривожлантириш ва модернизация қилиш.

6. Агентлик: бир ой муддатда туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини жойлаштириш ҳамда уларни компьютер техникаси ва бошқа турдаги ортехника, мебель, шу жумладан, махсус мебель, шунингдек, тегишли кутубхона ускуналари билан жиҳозлаш бўйича талабларни ишлаб чиқсин, бунда имконияти чекланган шахсларга хизмат кўрсатиш учун ўқув залларини махсус компьютер жиҳозлари ва бошқа қўшимча воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларининг Интернет тармоғига уланишини ва улар учун Миллий кутубхона электрон ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда ахборот-кутубхона марказлари фаолиятининг регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда аҳолига қуни узайтирилган тартибда хизмат кўрсатилишини қўзда тутсин;

аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар (тил ўргатиш, компьютер курсларини ташкил этиш, матли, аудио ва видеоматериаллар нусхаларини яратиш, шунингдек, бошқа кутубхона хизматлари) рўйхатини кенгайтириш орқали ахборот-кутубхона марказларининг бюджетдан ташқари даромадларини ошириш чораларини кўрсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) Агентлик томонидан ишлаб чиқилган туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини жойлаштириш ва жиҳозлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда: икки ой муддатда туманлар (шаҳарлар) марказларида туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини жойлаштириш ва уларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун биноларни белгиланган тартибда ажратсин;

ажратилган биноларни капитал таъмирлашни таъминласин, бунда туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларининг ўқув залларида ва бошқа умумий фойдаланиладиган хоналарида имконияти чекланган шахслар тўсиксиз фойдаланиши учун барча зарур шароитларни яратсин, шунингдек, уларни зарур ускуна ва техника билан жиҳозласин;

б) туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларига тугаш ҳудудларини ободонлаштириш бўйича тегишли ишларни амалга оширсин ва ушбу марказларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин;

в) умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ахборот-ресурс марказларини тугатиш натижасида ишдан бўшган ходимларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

8. Белгилансинки:

Миллий кутубхонанинг қўшимча штат бирликларини сақлаш харажатлари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига харажатлари параметрида ижтимоий соҳага мўлжалланган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига параметрларида қўзда тутилади;

туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини сақлаш харажатлари туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тугатилаётган ахборот-ресурс марказларини сақлаш учун қўзда тутилган маблағлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

янги ташкил этиладиган ахборот-кутубхона марказларини кадрлар билан тўлдириш биринчи навбатда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тугатилаётган ахборот-ресурс марказларида фаолият кўрсатаётган малакали кадрлар ҳисобига амалга оширилади;

туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари биноларини капитал таъмирлаш ҳамда уларни замонавий ускуна ва техника билан жиҳозлашни амалга ошириш умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тугатилаётган ахборот-ресурс марказларининг мақбуллаштирилган бюджет ажратмалари, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг прогнози ошириб бажаришдан олинмаган даромадлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари кутубхона фондларини тўлдириш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ушбу мақсадлар учун ажратилган бюджет маблағлари, Жамғарма маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Маданият вазирлиги ҳамда Агентлик билан биргаликда кутубхоначилик иши соҳасида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида соҳага иқтисослашган олий ўқув юрталари "Кутубхона-ахборот фаолияти" йўналиши бўйича ўқиниш қабул қилишга йўналтирилган ахборот-ресурс марказларини Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг: вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, шу жумладан, ҳарбий қисмларда идоравий кутубхоналарни ташкил қилиш (тақомиллаштириш); идоравий кутубхоналарнинг китоб фондлари ва моддий-техника базасини яратиш, янгилаш ва тўлдиришни ушбу мақсадлар учун давлат органларига бюджетдан ажратилган маблағлар, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

Агентлик таклифлари асосида идоравий кутубхоналарнинг китоб фондларини янгилаш ва тўлдириш учун зарур наشرлар рўйхатини ҳар йили шакллантириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

11. Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 21 майни Кутубхоначилар куни деб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, бунда кутубхоначиларни қўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва рағбатлантириш кўзда тутилсин.

Агентлик бир ой муддатда "Кутубхоначилар кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

12. Агентлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Ш.Нозимидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори вазифасини бажарувчи К.И.Алламжонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 7 июнь

Президентимизнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишланган Фармони мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Тадбиркорлик ўзи нима? Бунинг учун аввало нималарга эътибор қаратиш керак? Шу ҳақда гап кетганда, айримлар тадбиркорлик дегани фақат банкдан кредит олиш ва савдо-сотик билан шуғулланишни тушунишади. Лекин бунинг учун инсондан иқтидор, қобилият, ушбу бундан ташқари ҳимоянинг ҳам ҳаёлига келавермайди. Шу билан бирга бу борада тўсик ва говларни бартараф этилган бўлиши ҳам керак.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони бу борада янги, ҳаётий ёндашувни белгилаб берди. Бунда, биринчи навбатда, давлат органларининг тадбиркорлар билан мулоқот қилишининг амалий ва шаффоф тизими жорий этилади.

Тўғри, ўтган икки йилдан ошдики муддат ичида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида бир қанча Фармон ва қарорлар қабул қилиниб ҳаётга таътиқ этилди. Рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби ҳам сезиларли даражада соддалаштириб қўйилди. Муҳими, тадбиркорларимиз текшир-тектирлардан қутулди.

Лекин айрим раҳбарларда масъулият ва талабчанлик етишмаётгани оқибатида соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараси кўнгилдагидек бўлмаётгани рост. Ахир яратилган ҳуқуқий пойдевор, қулай шарт-шароитлар сабаб инвесторлар мамлакатимизга катта сармоялар билан кириб келавериши керак эмасми? Тан олиш керак, бу борада ҳали-ҳануз бюрократия, тамагирлик ва тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари барҳам топмапти.

Шу боис, Фармон айни вақтида қабул қилинган билан ҳам аҳамиятлидир. Эндиликда тадбиркорларни қабул қилиш ва муносабатларини кўриб чиқиш йўли билан амалиётда юзага келмаётган масалалар ўрганилади ва теозорлик билан ҳал этиш чоралари қўрилади. Бундан бундан мутасаддиларнинг тадбиркорлар муаммолари ва муносабатларини ҳал этишга юзаси муносабатда бўлишга йўл қўйилмапти. Бу борада мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, уларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор бериб борилади. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш баъоридида қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи муҳим муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари кенг жалб этилади.

Қувонарлиси шундаки, мазкур Фармон 14 май куни имзоланиб, орадан 13 кун ўтиб Президентимиз тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ишга тушириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари муҳома қилинди.

Очиги, шу йиғилиш бўлиб ўтганидан бехад қувондим. Йиғилиш тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қулай инвести-

пулини чиқариб олишини ўйлайди. Тиккан маблағга қўйиб қолмаслиги учун мамлакатимиз иқтисодий муҳитини сўраб-суриштиради. Тадбиркорлар қай даражада қўллаб-қувватланапти? Уларни муаммолари билан қайси ташкилот ёки қайси раҳбар шуғулланапти каби ҳақли саволларга жавоб излайди. Ишонса, маблаг олиб қиради. Бўлмаса йўқ. Ишониб олиб қирган маблаг иқтисодимизга қувват беради. Яна ўша гап: ишчи кучини жалб қилишда рақобат ортади. Бу жараён меҳнатга ҳақ тўлашни ошириб боришга олиб келади.

Фармон ва ижро МУАММОИНГИЗ БОРМИ ТАДБИРКОР?

Бу ҳаётий ҳақиқатларни жуда чуқур билган Президентимиз йиғилишда Адлия вазирини ва Савдо-саноат палатаси раиси раҳбарлигида Республика ишчи гуруҳи тузиб, жойларда тадбиркорлар билан очик, амалий учрашувлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Аниқланган муаммоларнинг худуда тааллуқлисини вилоят ҳокими, республика аҳолига молик бўлган эса Бош вазирга берилиши, улар ҳафтада бир кун қабулхона масалалари билан шуғулланишини маълум қилди.

Қани айтинг, қайси давлатда тадбиркорларга бу даражада эътибор, ғамқўрлик бор? Ҳокимлик, Савдо-саноат палатаси, инвестиция бошқармаси, прокуратура, адлия, солиқ органлари, қурилиш, кадастр, банк ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат жамоа тадбиркорини эшитса, муаммосини ҳал этишда изланса, айтингчи, унда муаммо қолади-ми?

Фармон сабаб бу жараёнлар сифати анча баландлаб кетади. Масалан, туман қабулхонасида ўз ечимини топмаган муносабатлар вилоят қабулхоналарига юборилади. Натижа бўлмаса, Вазирлар Маҳкамасининг қотиб-қотиб Бизнес омбулсман, Савдо-саноат палатаси ва ваколатли идоралар иштирокида кўрилади.

Лекин бу охири босқич дегани эмас. Баъзан тадбиркорлик фаолиятида тушунмовчиликлар, чигал вазиятлар бўлиб турган. Уларни айримлари ҳукумат раҳбари даражасида ҳал этилишини тақозо қилиши ҳам мумкин. Шу боис, тадбиркорларни Бош вазирнинг шахсан ўзи қабул қилиши ҳам белгилаб қўйилди. Муносабат туман ва вилоят даражасида ҳал этиш имкони бўлмаган тадбиркор Бош вазирга учрашади.

Хорижий инвесторларга қўмаклашиш Бош вазир қабулхоналарининг асосий вазифаларидан бири бўлади. Шу боис, уларга хорижий тилларни биладиган ва инвесторлар билан ишлаш салоҳиятига эга кадрлар ишга олинади.

Фармоннинг яна бир аҳамияти томони шундаки, эндиликда республикадаги 7 мингга яқин тўқимачилик саноти корхоналари қўллаб-қувватланади. Тармоққа инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратилади. Уларнинг фаолиятида ортиқча текширувларнинг олдини олиш, соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни ривожлантиришдаги гов-тўсқинликлар ҳақидаги муносабатларни давлат бошқарув ва назорат органлари ҳудудий идоралари вакиллари иштирокида ҳар кун кўриб чиқилади. Соҳадаги камчиликлар ўз вақтида бартараф этиб борилади. Шунингдек, тадбиркорлик соҳасида соғлом рақобат ва муҳитни яратишга, корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган махсус экспортни ривожлантиришга шароит яратилади.

Шу билан биргаликда "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури ва тадбиркорларнинг кичи ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган ташаббусларини ўз вақтида амалга ошириш, ушбу жараёнга ёшлар ва хотин-қизларни жалб қилиш, барқарор янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турли тоифаларининг моддий фаровонлигини оширишга барча даражадаги ҳокимликлар ва уларнинг раҳбарларини жалб қилиш ҳамда белгиланган талаблар ва вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқариладиган чора-тадбирлар комплекси - "Йўл харитаси" орқали амалга оширилади.

Аслида тадбиркорларга чинакам қўмак бериш замирида аввало халқимиз ҳаётини фаровон қилишдек эзгу сазъ-ҳаракат мумасам. Шу боис, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашда янги тартиб кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз. Фармон билан янги тартиб-таомилларнинг ҳаётга самарали, бекаму кўст таътиқ этилиши иқтисодиётимиз лоқомитини бўлган тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Қобилжон АТАХАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди "Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун Танлов Эълон қилади

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

- оила қуриш ёшидаги йигит ва қизларни маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлашга, оиланинг муқаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўғини эканлигини уларнинг онгига сингдиришга қўмаклашиш;
- оилада ва маҳаллада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясини юксалтиришга шарт-шароитлар яратиш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини тарғиб қилиш;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;
- низоли вазиятлар, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ҳолатларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворини эрта бартараф этишда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни шакллантириш;
- соғлом фарзандлар дунёга келишининг муҳим омил сифатида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, болаларнинг туғма касалликлар ва нуқсонлар билан дунёга келишининг олдини олиш ва профилактикасига бағишланган материаллар тайёрлаш, аҳоли ўртасида тарғиб этиш;
- маҳаллаларда спорт тўғаракларини ташкил этиш, болалар, ёшлар, хотин-қизларни оммавий спорт турлари билан шуғулланишга жалб қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи анъаналарини мустаҳкамлашга қўмаклашиш;
- аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, тўғри овқатланиш маданиятини омалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;
- давлат органлари билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш;
- оилавий ажримлар, ноқонуний ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, қайнона ва келин ўртасидаги низоларни бартараф этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- маҳаллалар ҳудудларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ жойлардаги аҳоли пунктларида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш, санитария-экологик муҳитни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга қўмаклашиш;
- аҳолини турли оқумли касалликларга (ОИВ инфекцияси, сил, безгак, онкологик касалликлар) чалиниш ҳолатларининг олдини олишда тиббиёт муассасалари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини камайитиришга, биологик хилма-хилликни сақлашга, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашга инновацион технологияларни жалб этишга қўмаклашиш.

Давлат гранти танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низоми) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусخаси.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори - 30 миллион сўмгача.

Аризалар 2019 йил 29 майдан 4 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (Ўзбекистон почтаси) орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислол Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- "Сузук ота" маҳалласи аҳолисига янги, замонавий уйлارнинг қалитлари топширилади.
- "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Испания ҳукуматининг расмий кредит институти билан юқори тезликда ҳаракатланувчи иккита поезд, вагонлар ва уларга сервис хизмати кўрсатиш ускуналарини сотиб олиш бўйича битим имзолади.
- Тошкентда Халқаро электралоқа иттифоқининг МДХ ва қўшни давлатлар учун радиоалоқа бўйича 5 кунлик ҳудудий семинари ўз ишнини бошлади.
- Миллий матбуот марказида Ички ишлар вазирлиги томонидан "Фоол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да "Хавфсиз туризм" Концепцияси юзасидан белгиланган чора-тадбирлар мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида юридик таълим тизимини янада ислоҳ қилиш, ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган юридик кадрлар тайёрлаш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилаётган ислоҳотларнинг самардорлигини ошириш мақсадида Президентимиз 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясини қабул қилди.

Мазкур стратегияда энг муҳим йўналишлардан бири — қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш бўлиб, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш ушбу йўналишдаги устувор вазифа ҳисобланади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар давоми сифатида Президентимизнинг 2019 йил 7 февралдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг Иختисослаштирилган филиали ташкил этилди.

Филиалнинг асосий вазифалари этиб юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган замонавий шакл ва усуллар, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқув жараёнини таълим беришнинг модул тизими асосида ташкил этишдан иборатдир.

Жумладан, таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг самарали тизимини яратиш, таълим олувчиларнинг аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини услубий ва консултатив таъминлаш ҳам шулар сирасига киради.

Юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан хорижий мамлакатлардаги муассасалар билан ўзаро самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштиришдан иборат.

Филиал Тошкент давлат юридик университети таркибий бўлинмаси — юридик шахс мақомига эга олий таълим муассасаси ҳисобланади. Филиалда "ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш" соҳа мутахассислиги бўйича юридик кадрлар махсус уч йиллик дастур асосида тай-

каси Ички ишлар вазирлиги Академиясида махсус касбий тайёргарликни ўтмасдан, "лейтенант" махсус унвони берилган ҳолда хизматга қабул қилиш учун асос бўлади.

Бакалаврият дастури бўйича Филиалга қабул танлов асосида амалга оширилади. Филиалда қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва Миллий гвардия қўмондонини тавсиялари асосида олий ноюрidik маълумотга эга бўлган амалдорлар қабул қилинган. Филиалнинг белгиланган тартибда эгаллаб турган лавозимини ва пул таъминоти сақлаб

Таълим

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЯНГИ БОСҚИЧДА

ёрланади ҳамда ушбу мутахассислик бўйича махсус олти ойлик дастур асосида олий ноюрidik маълумотга эга бўлган кадрлар қайта тайёрланади.

Филиалда ўқитиш давлат грантлари асосида амалга оширилади. Бакалавриятга қабул квотаси бўйича йилга 255 киши, қайта тайёрлаш курсига эса ҳар олти ойда 50 киши қабул қилинади. Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг бююртмаларига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, Филиалга қабул квоталарини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиясига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан алоҳида шахсларни юридик кадрларни тайёрлаш дастурлари бўйича белгиланган квоталар (давлат грантлари)дан ташқари Филиалда ўқитиш учун тўловни амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Филиал дипломининг мавжудлиги ички ишлар органларига Ўзбекистон Республи-

қонинган ҳолда қабул қилинади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига ўрнатилган қабул квоталари доирасида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан белгиланган алоҳида квоталар бўйича Филиалга ўқишга кириш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этидиган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиқларининг тавсиялари берилиши мумкин.

Ўқишни тамомлаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида қамиди 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини оладилар. Филиал суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, шунингдек, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар мутахассислари ва бошқа мутахассисларга ўйиндошлик тартибда ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятини амал-

га оширишга жалб этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашиш мақсадида Филиалнинг Васийлик кенгаши ташкил этилган бўлиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш учун Филиалнинг молиялаштирилишини таъминлайди. Филиалнинг педагог ва бошқа ходимларнинг меҳнат шартлари ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича чораларни кўради, олий юридик таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи янги шакл, дастур ва истиқболли ташаббусларни, илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали жорий этишда қўллаб-қувватлашни амалга оширади.

Бинобарин, ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шериклик келишувлари тузилиши ва уларни рўйбик чиқаришда мувофиқлаштиришни амалга оширади, таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларидан ишга қабул қилинган Филиал ходимларига олдинги иш жойидаги барча устама ва қўшимча тўловлар, тиббий хизмат кўрсатишнинг имтиёз ва шартлари уларни тегишли органнинг амалдаги кадрлар заҳирасига қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказган ҳолда сақлаб қолинади.

Ўқув жараёнида янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушган мурожаатлардан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ички ишлар органлари ва бошқа давлат органларининг амалиёт материалларидан фойдаланилмоқда.

Хулоса қилишда шунини таъкидлаш лозимки, Иختисослаштирилган филиал томонидан ўқув жараёнини ташкил этишда таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга, инновацион ёндашув асосида замонавий профилактика инспектори учун зарур бўлган ҳуқуқий билим ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ихтиёр Жўраев,
Тошкент давлат юридик университетининг
Иختисослаштирилган филиали
директори ўринбосари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali" бошланғич баҳоси охири бериш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилди!

Савдога Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2019 йил 7 июндаги 217/01-сонли бююртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 5-уй манзилида сақланаётган, қуйидаги автобуслар қўйилмоқда: 1) "ПА3 672" русумли 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 206 DCA бўлган техник носоз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 177 943 сўм; 2) "ПА3 672" русумли 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 214 DCA бўлган техник носоз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 177 943 сўм; 3) "ПА3 672" русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 221 DCA бўлган техник носоз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 177 943 сўм; 4) "ПА3 672" русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 224 DCA бўлган техник носоз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 177 943 сўм; 5) "ПА3 672" русумли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 229 DCA бўлган техник носоз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 177 943 сўм; 6) "ПА3 672" русумли 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 230 DCA бўлган техник носоз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 177 943 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йил 15 июль кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 12 июль кuni соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). **Аукцион савдо шу кuni бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдолар 2019 йил 24, 31 июль, 7, 14, 21, 28 август, 4, 11, 18, 25 сентябрь, 2, 9, 16, 23, 30 октябрь, 6, 13, 20, 27 ноябрь, 4, 11, 18, 25 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кuni олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо солиғига 15 иш кuni ичда сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2002 МФО: 01069, СТИР: 200933850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Телефон: (0-371) 227-91-82. www.rtm.uz. **Гувоҳнома 001805**

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич охири бериш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этилди!

Очик аукцион савдоларига АТ "Халқ банки" Учтепа филиалининг 30.05.2019 йилдаги № 449-сонли бююртманомасига асосан банк тасарруфидан бўлган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 8-уй манзилда жойлашган, бошланғич нархи — 40 000 000 сўм бўлган № 352-сонли касса биноси такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2019 йил 27 июнь кuni соат 15:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 27 июнь кuni сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 12 ва 29 июль кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли "Халқ банки" филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истогини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Халқ банк" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000100751766001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо солиғига аукцион савдоси натижалари бўйича солиқлик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичда сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Веб-сайт: www.capitaltrust.uz. Тел: +998-71-236-25-53.

Лицензия RR — 0298

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Сергели туманидаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида ошхоналарни ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

№	Таълим муассасаси	Манзили
1	33-мактаб Сергели тумани,	Сергели-2 мавзеси, 18-А уй
2	47-мактаб Сергели тумани,	Кўйлик-5 мавзеси
3	237-мактаб Сергели тумани,	Мирза Хайдар кўчаси, 17-уй
4	305-мактаб Сергели тумани,	Қурувчилар мавзеси
5	322-мактаб Сергели тумани,	Сергели-5 мавзеси, Мехригиё кўчаси, 18-А уй

Танлов 2019 йил 11 июль кuni соат 10:00 да Сергели тумани ҳокимиятининг кичик залида ўтказилади.

Туман ҳокимияти манзили: Тошкент шаҳри, Сўғдиёна кўчаси, 1-уй.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар 2019 йил 10 июль соат 18:00 га қадар туман халқ таълими бўлимида қабул қилинади.

Туман Халқ таълими бўлими манзили: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обихаёт кўчаси, 3А-уй. Мурожаат учун телефонлар: 257-20-93, 257-13-53. E-mail: sergelitxtb@inbox.uz. Web-site: sergelj_txb@xtv.uz.

Чилонзор туманида жойлашган қуйидаги мактаб ошхоналарида ишлаш учун ижарачи корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2019 йилнинг 11 июнидан 11 июль соат 18:00 га қадар туман Халқ таълими бўлимида қабул қилинади. Танлов 2019 йил 15 июль кuni Чилонзор туманида жойлашган 168-сонли мактабда соат 10:00 да бошланади. Манзил: Чилонзор тумани, 3-мавзе, 20-уй. Тел: 278-13-11. Мўлжал: Шаҳар прокуратураси.

№	Мактаб рақами	Манзили
1	128	Чилонзор тумани, Байналмидал кўчаси, 49
2	183	Чилонзор тумани, 8-мавзе, 36-уй
3	184	Чилонзор тумани, 9-мавзе, 10-уй
4	201	Чилонзор тумани, "Тирсақобод" маҳалласи Шош кўчаси, 6-уй
5	232	Чилонзор тумани, "Дўмбиробод" маҳалласи, Гавҳар кўчаси
6	280	Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси
7	178	Чилонзор тумани, 6-мавзе, 12-уй
8	182	Чилонзор тумани, 6-мавзе, 12-уй
9	114	Чилонзор тумани, Машраб кўчаси, 60-уй

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДИҚҚАТИГА!

Аҳолининг турли қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш юза-сидан аниқ ва тезкор чоралар қўриш мақсадида жорий йилнинг 18 июнь кuni Тошкент шаҳри аҳолиси учун Ўзбекистон Республикаси Давергеодезкадастр қўмитаси раси А.Абдуллаев томонидан оммавий қабул ўтказилади. Ушбу оммавий қабулда соҳага оид барча саволлар билан иштирок этишингиз мумкин.

Оммавий қабул ўтказиш вақти: 18 июнь кuni соат 10:00 дан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги Халқ қабулхонаси биносидан.

Манзил: Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 4А-уй. Маълумот учун телефонлар: (71) 231-68-51, (71) 233-14-59.

Қўйлик маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи томонидан 2018 йилда Хабибуллаев Шухрат Алишер ўғли номига берилган К № 0332078 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТАТУ томонидан 20.10.2007 йилда Нишонов Бобур Мамашариф ўғли номига берилган 22515-17 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТАТУ томонидан 29.09.2007 йилда Усманова Жанона Нурали қизи номига берилган 22911-17 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

СУҒУРТА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Пойтахтимизда "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖда қайта суғурта фаолияти ва жаҳон суғурта бозорига интеграциялашуви" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ раҳбарлари ва масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Матбуот анжумани компания Бошқаруви раиси Саидоллим Насретдинов кириш сўзи билан очиб берди.

Тадбирда қатнашчилар диққатига қайта суғурта қилиш тушунчаси, мақсади, Жаҳон қайта суғурта бозори ва унинг тарихи, Ўзбекистон қайта суғурта бозори, "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖда қайта суғурта фаолияти бўйича маълумотлар берилди.

— Қайта суғурталаш — бу қайта суғурталаш шартномаси асосида суғурта қопламасини ёки суғурта суммасини тўлаш тавakkалчилигини бошқа суғурта ташкилотига суғурталовчи томонидан тўлик ёки қисман беришдир. — дейди "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖнинг Қайта суғурталаш ва халқаро алоқалар департаменти бош менежери Жасур Жорабев. — Ўзбекистон суғурта хизматлари жаҳон суғурта бозорига кириб суғурта экспортни таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. 2018 йилнинг ўзига "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ томонидан 1,0 млн. АҚШ долларлик суғурта хизматлари экспорт қилинди. 2018 йил мобайнида компанияга Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) каби дунёнинг нуфузли ташкилотлари вакиллари, бундан ташқари, Хитой Халқ Республикаси экспортлари ва бошқа чет эл ташкилотлари вакиллари таширф буюрди ва компания фаолиятига катта қизиқиш билдирди. Ўз ўрнида компания ходимлари суғурта йўналишида етакчи бўлган мамлакатлар — Япония, Германия, суғуртанинг маркази бўлган Лондонда малака ошириб қайтишди. Қўшни Қозоғистон, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларда ўтказилган Халқаро форумлар, анжуманлар, бизнес учрашувларида иштирок этиб, 100 ортик суғурта ташкилотлари билан алоқалар ўрнатилди. Буюк Британия, Польша, Панама, Жанубий Корея, Хиндистон, БАА ва Россия суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ Ўзбекистон суғурта бозорини етакчи суғурта бозорларидан танитиш ҳамда халқаро суғурта оламида ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, компания ходимлари томонидан суғуртанинг "юраги" ҳисобланган, Буюк Британиянинг пойтахти — Лондонда жойлашган "International Underwriting Association of London" (IUA) вакиллари билан олиб борилган музокаралар натижасида "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ Ўзбекистон суғурта компанияларини ичда биринчи бўлиб ушбу Халқаро ассоциациянинг аъзолари сафига киришга эришди. 2019 йил 1 чорақда 394,3 минг АҚШ долларига тенг суғурта экспортини амалга оширишди (қайта суғуртага рискарлар қабул қилинди), бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 239,8 мингга кўп демакдир. Компания жорий йилнинг 28-29 март кунлари Тошкентда ўтказилган Халқаро молия-банк форумида иштирок этди. Форум доирасида "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ ва Белоруссия миллий қайта суғурта ташкилоти ҳамда компания билан Словениянинг "Sava Re" суғурта компанияси ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Қайта суғурта қилишдан қўзланган асосий мақсад — суғурта портфелини ҳимоялаш, катта зарарлардан ҳимоялаш, мижозларга яхши хизматни таъминлаш, янги суғурта хизматларига кириб боришда рискин тақсимлаш, доимий мижозлар ва уларнинг ишончини сақлаб қолиш. Қайта суғурта бозори иштирокчилари сифатида Суғурталовчи, Қайта суғурталовчи ҳамда Қайта суғурта брокерлари хизмат қилади. Анжуманда қайта суғурта тарихига ҳам тўхталиб ўтилди. Жаҳон қайта суғурта бозори, унинг йирик иштирокчилари ҳақида маълумотлар келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари томонидан хорижий мамлакатларига берилган қайта суғурта жавобгарлиги миқдори фоизлар кўринишида намойиш этилди.

Компания филиаллар тармоғи бугунги кунга келиб 219 тани ташкил этилмоқда. 2019 йил 1 чорақда компания томонидан 231,4 миңдан ортик суғурта шартномалари тузилди ва 37,3 млрд. сўм суғурта муқофоти жамланди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш кўрсаткичи 151,4 фоизни ташкил этди.

Миллий суғурта бозоридида кучли рақобат шароитида мижозларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш жамиятининг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахслардан суғурта қопламалари бўйича келиб тушган 2604 мурожаат бўйича 7,4 млрд. сўм суғурта қопламаси тўлаб берилди.

"SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖнинг "uzA++" (энг юқори молиявий кўрсаткич) рейтингини тасдиқлади. Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозоридида фаолият юритаётган 30 дан ортик суғурта компанияларидан икkitаси халқаро рейтингга эга бўлса, шундан биттаси — "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖдир. "Fitch Ratings" халқаро нуфузли рейтинг агентлиги "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ рейтингини "В+"дан "ВВ-"га ошириб, унинг истиқболлини "Барқарор" дея баҳолади. Рейтингининг тасдиқланиши компания учун янги маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан истиқболли ҳамкорлик алоқалари қўламини янада кенгайтиришга имкон яратади.

Компаниянинг бош мақсади — мижозлар олдидаги мажбуриятларни тўлиқ ва сифатли бажариш ва бу орқали ижтимоий йўналтирилган Ўзбекистон иқтисодийётига мўносиб ҳисса қўлишдан иборат.

Матбуот анжуманида соҳа вакиллари томонидан республика бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида маълумотлар берилди. Йилгиланган ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олинди.

Зийёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан М.Улуғбек тумани, ТТЗ-2, 54-уй, 36-хонадон учун Арибжанова Муқаддас Ҳакимжановна номига берил



Футбол янгиликлари

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ АЖОЙИБ ГАЛАБА

Футбол бўйича Эктор Купер бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз июнь ойига режалаштирилган иккинчи назорат-ўртоқлик баҳсини "Миллий" стадионда Шимолий Корея терма жамоасига қарши ўтказди.

Маълумки, 2 июнда Эктор Купер шогирдлари сафарда Туркия миллий терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашган ва 0:2 ҳисобида имкониятни бой берилган эди. Албатта ҳар бир ўйинда Эктор Купер турли услубларни, ўзига хос тактикаларни қўллашга, футболчиларни ҳар томонлама халқаро мусобақаларга пухта тайёрлашга интиломда. Шимолий корейлик чарм тўп усталарига қарши беллашувда ҳам янги ёш футболчилар синовдан ўтказилди. Уйнинг биринчи бўлими тенг курашлар остида кечди. Ҳар икки жамоада ҳам дарвозага гол киритиш учун имкониятлар бўлди. 29-дақиқада меҳмонлар жарима майдони ичкарисида тиниб-тинчимас Жалолиддин Машариповни қоида бузган ҳолда тўхтатиб қолишти. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Одил Аҳмедов бехато амалга оширди.

Уйнинг иккинчи бўлими миллий терма жамоамизнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Натижада рақиб дарвозасига яна учта гол киритилди. Голларга Темирхўжа Абдуҳолиқов, Игорь Сергеев, Достон Турсунов муаллифлик қилишти. Шу тарихда учрашув 4:0 ҳисобида ҳамюртларимизнинг галабаси билан якунланди.

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Андижоннинг "Соғлом авлод" стадионида Ўзбекистон — Миср олимпия терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви уюштирилди.

Маълумки, Ўзбекистон олимпиячилари ҳам мисрликлар ҳам 2020 йилда Токиода ўтадиган ёғи Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун тайёргарликка зўр беришмоқда. Айтиш жоиз, ўйин эҳтиёткорлик билан бошланди. Ҳар икки томон имкон қадар ҳимояни мустаҳкамлаб, қарши ҳужумда ўйнашга интилишти. 32-дақиқада жамоадорлари

бошлаган ҳужумни Бобур Абдуҳолиқов самарали яқунлаб, меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олди. Мисрликлар ҳам иккинчи бўлимда ҳужумкор ўйин кўрсатишга ҳаракат қилишти. Умиджон Эргашев меҳмонлар томонидан уюштирилган кўпгина хавфли зарбаларни бартараф этиб, Ўзбекистоннинг галабасига муносиб ҳисса қўшди.

Уйин якунланишига санокли дақиқалар қолганида Азизжон Ғаниев яна рақиблар дарвозасини ишғол этиб, олимпиячиларимизнинг 2:0 ҳисобида галаба қозонишини таъминлади.

Энди Ўзбекистон ва Миср олимпиячилари Наманганда иккинчи марта ўтказиладиган назорат-ўртоқлик баҳсида ўзаро куч синашади.

ОСИЁ КУБОГИ ТОШКЕНТДА

2022 йилда футбол бўйича навбатдаги Осиё кубоги турнири бўлиб ўтади. Қувонарли хабар шуки, Осиё кубоги — 2022га мезбонлик ҳуқуқи пойтахтимиз Тошкентга берилиши мумкин. Чунки ЎФА айнан аёллар ўртасида уюштирилаётган футбол бўйича Осиё кубоғига мезбонлик қилиш масаласида ОФКга ариза топширди.

2022 йилда уюштирилаётган футбол бўйича аёллар ўртасидаги китъа биринчилигини қабул қилиш юзасидан яна икки мамлакат — Ҳиндистон ва Хитой Тайпейи ариза топширган. ОФК бу борадаги яқиний қарорни келгуси йили чиқаради. Унга ОФКнинг махсус комиссияси аъзолари ҳар учта давгоҳар мамлакатга сафар уюштириб, мусобақа учун зарур саналган шарт-шароитлар билан танишиб чиқишади. Аёллар ўртасидаги китъа

биринчилигида 8 та жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этади. Квартетларда 1-2-ўринларни эгаллаган 4 та терма жамоа жаҳон чемпионатида қатнашиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, 3-ўрин соҳиблари ўзаро куч синашиб, мундиалнинг яна бир чиптаси тақдирга оидлик киритиши. Хуллас, яқунда ОФК таркибидagi 5 та терма жамоага жаҳон чемпионати йўллари тақдим этилиши мумкин.

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

ЎФА ва ПФЛ ҳамкорликларида Суперлига ҳамда Про-лиганинг 16 та жамоаси иштирокида ташкиллаштирилган Ўзбекистон лига кубоги гуруҳларида 1-тур баҳслари бўлиб ўтди.

Суперлиганинг 14 та, Про-лиганинг 2 та энг кучли клублари 4 гуруҳга бўлинган ҳолда биринчи турдаёқ муҳлислар кутилмаган натижаларнинг гувоҳи бўлишти. Айни кунларда Суперлига жамоалари ўртасида ўтказилаётган миллий биринчиликда яққол етакчилик қилаётган "Пахтакор" ўз майдонида "Кўкун — 1912" жамоасидан 0:4 ҳисобида енгилгани мутахассислару, муҳлисларни

ажаблантирди. Ўтган йили Ўзбекистон кубоги соҳиби АГМК жамоаси гарчи миллий биринчиликда ишлари юришмаётган бўлсада, Лига кубоги 1-турида ўз ишқибозларини мамнун этди. Ўз майдонларида "Кизилқум" билан куч синашган Миржалол Қосимов шогирдлари 90 дақиқа давом этган ўйинда меҳмонлар дарвозасини 4 марта аниқ нишонга ола билишти ва ўз дарвозалари дахл-

сизлигини сақлаб қолишти. Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Динамо" — "Сурхон" — 5:0, "Шўртан" — "Сўғдиёна" — 1:1, "Локомотив" — "Бухоро" — 2:1, "Металлург" — "Бунёдкор" — 1:0, "Насаф" — "Навбахор" — 4:0, "Машъал" — "Андижон" — 2:3.

Ўзбекистон Лига кубоғининг 2-тур беллашувлари 2-3 июль кунлари бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Ҳаммамизга маълумки ёз мавсуми келгач куннинг иссиқ ҳарорати натижасида аҳоли кўп вақтини сув ҳавзалари яқинида ўтказиши мумкин. Шу сабабли ҳам нафақат кичик ёшдагилар, балки, кўп вақт баъзи кишиларни сув ҳавзаларида учратамиз. Чўмилиш масаласида доимо ҳушёр бўлиш, қондаларга амал қилиш ва мумкин бўлган жойларда чўмилиш чўкиши билан боғлиқ мудҳис ҳолатларнинг олдини олади.

ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча сув ҳавзаларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, сувда чўкиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган мамлакатимиздаги сув ҳавзаларида дам олаётган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

Унда Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутахассислари, ОАВ вакиллари иштирок этди. Тадбирда чўмилишчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 майдаги "Ўзбекистон Республикаси акваторияларининг пляж зоналарида дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2018 йилда чўмилиш мавсумида ФВВ турли манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 146 дан зиёд рейд ўтказилгани ҳақида маълумотлар берилди. Сув ҳавзалари яқинида 810 та оғохлантириш белгиси ўрнатилди, қарийб 47 кузатув пости ташкил этилди.

Белгиланган талабларни бажариш мақсадида ҳар йили ёз мавсумида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармалари маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари ва тегишли хизматлар билан ҳамкорликда сувда чўкиш билан

боғлиқ бахтсиз ҳодисалар сабаблари таҳлил қилиниб, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Олиб борилган профилактик тадбирларга қарамасдан республика ҳудуди бўйлаб чўмилиш мавсуми давомида афсуски, сувда чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар кўп вақт содир бўлмоқда. Энг ачинарлиси, ушбу содир бўлган чўкишларнинг учдан бир қисмини вояга етмаганлар ташкил қилмоқда. Жумладан, 2018 йил давомида жами 164 нафар фуқаро сувда чўкиши қайд этилган бўлиб, шундан 71 нафарини вояга етмаганлар, 2019 йилнинг 20 май кунига қадар жами 43 нафарини фуқаро сувда чўкиши қайд этилган бўлиб, шундан 14 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Фуқароларни сувда чўкиши билан боғлиқ ҳодисалар таҳлил қилинганда, кўпчилик ҳолатларда чўмилиш тақикланган жойларда чўмилиш ҳамда сувда чўмилиш қоидаларига риоя этилмаганлиги натижасида, баъзи ҳолатларда спиртли ичимликлар таъсири остида чўмилиш, вояга етмаган болаларнинг сув ҳавзалари атрофида каровсиз қолдириш, дам олиш зоналарида сув транспорт воситаларидан хавфсизлик қоидаларига риоя этмасдан фойдаланиш сабаб бўлмоқда.

Аҳоли орасида чўмилиш мавсумида хавфсизликни таъминлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширилиши ҳам бу борада аҳоли ва айниқса ёшларнинг билимларини оширишга хизмат қилиб, оғохликка қақришда катта ўрин тутади.

(Ўз мухбиримиз)

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Коррупция — мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодийнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади.

Аммо, умуман олганда, давлат амалдорларига эмас, балки, масалан, фирмаларнинг менежерлари ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши; пора пул билан эмас, балки бошқа шаклда берилиши мумкин; коррупцияга доир муносабатларнинг ташаббусчилари баъзан давлат амалдорлари эмас, балки тадбиркорлар ҳисобланади. Этимологик жиҳатдан "коррупция" атамаси "бузиш, пора эвазига оғдириш" деган маънони англатадиган латинча "corruptio" сўзидан келиб чиққан.

Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, коррупция — мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият.

Фикримизча, бир неча халқаро ҳужжатлар замирида юзага келган ва унинг стандартларига жавоб бера оладиган Конвенциянинг моддалари юзасидан бундай келишмовчиликлар юзага келиши эҳтимолдан узоқ ва ҳар бир мамлакат Конвенция талабларини унга қўйиши олдида кўп марта лаб ўрганиб чиққан ва мазмун ҳамда талабларидан тўла хабардор бўлган бўлади.

Ўзбекистон ўзини ушбу қоида билан боғлиқ эмас деб ҳисоблашининг ҳам ҳуқуқий асоси мавжуд. Сабаби, Конвенциянинг айнан шу моддасининг 3-бандида ҳар қандай иштирокчи давлат унинг 2-бандини ўзига тааллуқли ёки аксинчалиги ҳақида билдиришни баён этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳуқуқий мустаҳкамланган.

Демак, юқорида назарда тутилган шартлар асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилган.


Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш биринчи даражали вазиға эканига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Президентимиз "Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур", деб алоҳида таъкидлади.

2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунни қўлдан кичириш бу борадаги муҳим қадам бўлди.

34 моддадан иборат қонунда, аввало, коррупция билан боғлиқ тушунчалар берилган. Коррупция шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир. Қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари мустаҳкамланган. Унга кўра, қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очкилик ва ошкоралик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларидир.

Муса ЮСУПОВ, жиноят ишлари бўйича Олмасор тумани суди судьяси



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Текин нарса миннатсиз бўлмас.

Ҳар қандай янгилик қизиқарли бўлади.

Биров алдаса хафа бўламиз, лекин ўзимизни ўзимиз алдаб яшаётганимизни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Манфаат адолатни оёқости қилади.

Ҳамма ҳам ўз манфаатидин келиб чиқиб фикрлайди.

Кўчада кўрганиннга баҳо берма.

Инсон осон эришган нарсасининг қадрига етмайди.

Кўзга ялт этиб ташланадиган хатолар бор ва ҳеч ким пайқамайдиган хатолар бор.

Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.

Ишонсизлик одамни адо қилади.

Меҳнатнинг осони йўқ.

Ким тақдирни алқаб яшайди, Ким тақдирни қарғаб яшайди.

Минг бир азоб билан йўл очасану кўпинча ундан юриш ўзингга насиб этмайди.

Кўпнинг дуоси яшнатар, Кўпнинг қарғиши қақшатар.

Эрта қувонган кўпинча хафа бўлиб қолади.

Ўзидан ортмаганнинг ўзга билан иши йўқ.

Кучга куч қўшадиган даражада ебичиш керак, кучни қирқадиган даражада эмас.

Аҳмоқнинг қувончи узоққа чўзилмайди.

Инсон ўз умрини аксар ўзи қисқартиради.

Ўзида бўлмаса бекор.

Ҳар қандай хулосага аввало кишининг ўзи келиши керак.

Эргаш ОЧИЛОВ

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 12 июль кунини ҳаво ўзгариш туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 28-30 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 12 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.